

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНАГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ”
КАФЕДРАСИ

“ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ”

ФАНИДАН

РЕФЕРАТ

БАЖАРДИ:

6АУ-11 ГУРУҲ ТАЛАБАСИ

Б.АБДУЛЛАЕВА

ҚАБУЛ ҚИЛДИ:

З.АБДУЛЛАЕВ

НАМАНАГАН-2014

Мавзу: Ноёб субтропик мевалар.

Банан, апельсин, киви каби субтропик ва тропик мевалар бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Илғор миришкор ва боғбонлар аллақачон бу ўсимликларни заминимизда ҳам етиштиришга улгуришди. Аммо дунё кенг. Унда ҳали биз кўрмаган, ҳатто тасаввур қила олмаган субтропик мевалар борки, уларни кўриниши, ранги сизда антиқа тасаввур қолдиради. Таъм борасида эса ўзига хос. Хуллас, қуйида дунёдаги энг антиқа мевалар ўнталиги билан танишинг.

► 1. ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ, КИВАНО

- Ноодатий мева. Кўриниши бир қарашда ўзимизнинг қовунни эслатади. Аммо тиканлари бор. Ички тузилиши эса бодрингни ёдингизга солади. Энг муҳими у ўтсимон лианалар туркумига киради.
- Таъм борасида тўхталадиган бўлсак, банан ва бодрингни бирваракайига тановвул қилганда кивано таъмини ҳис этиш мумкин.
- Уни одатда тузланган ҳолатда истеъмол қилишади.
- Киванонинг яна бир эътиборли жиҳати, у парҳез таом ҳисобланади ва озишда яқиндан кўмаклашади.
- Номи ҳам ғалати бўлган бу мева бир қарашда... кактусга ўхшаб кетади. Мева кутилмаган ёрқин рангда, янги доларанг.
- Меванинг ички қисми оқ ҳамда юмшоқ. Аромат таъмга эга.
- Экзотик питайянинг ўлчами вазнига мос. Вазни эса 1 килограммгача етади. Аммо у жуда хайбатли эмас. Бемалол хона шароитида ҳам етиштириш мумкин.

2. МЕКСИКА, ПИТАЙЯ ЁКИ АЖДАР МЕВАСИ

- ▶ **Дуриан деб аталувчи мевани тановвул қилинадиганлар ичида энг “кўримсиз”лари қаторига қўшиш мумкин.**
- ▶ **Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бир қарашда типратиканни эслатувчи Дуриан ёқимсиз ҳидга ҳам эса. Унинг хиди чиқинди қувури, бузилган балиқ ва саримсоқнинг хидини эслатади.**
- ▶ **Шу сабабли ҳам уни сақлашда алоҳида муҳитлар яратилади. Сумкада экзотик мева сифатида олиб юриш эса тавсия этилмайди.**
- ▶ **Аммо таъм борасида Дуриан тенгсиз. Унинг таъми қаймоқли ёнғоққа жуда ўхшайди.**
- ▶ **Ана шу таъм туфайли ҳам у севимли. Бразилияликлар бу мевага жуда тўғри таъриф беришган. Яъни, “ҳиди дўзахни эслатади, таъми эса жаннатдан дарак”.**

3. ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ, ДУРИАН.

- ▶ **Бу мевани бемалол цитрус “саккизоёк” деб аташ мумкин.**
- ▶ **Қолаверса “Будда қўли” бошқа мевалар каби истеъмол қилинмайди. Чунки унда деярли шарбат йўқ. Меванинг юмшоқ қисми, яъни эт қисми ҳам мавжуд эмас.**
- ▶ **Аммо хитойликлар бу мевадан ҳам унумли фойдаланишни йўлини топишган. Ҳозирда “Будда қўли”дан омад, бахт ва узоқ умр келтирувчи турли тақинчоқлар тайёрланмоқда. Ана шунақа...**

4. ҲИНДИСТОН, ХИТОЙ, ЦИТРОН «БУДДА ҚЎЛИ»

- ▶ **Бу мева дунёга ўзининг эҳтирослиранг ва “Эҳтирос меваси” каби номлари билан машҳур.**

- ▶ Маракуйядан ажойиб таъмли, мазали шарбат олинади. Бу шарбатни ўзини ҳам истеъмол қилиш мумкин, қолаверса турли кондитер шарбатларида ҳам қўшимча сифатида ҳам ишлатиш мумкин.
- ▶ Ҳали ҳаммаси эмас, унинг шарбати ўзига хослиги билан ажралиб туради ва косметология ва фармацевтикада кенг фойдаланилади.

5. ЖАНУБИЙ АМЕРИКА, ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ, МАРАКУЙЯ

- ▶ Мева антиқа, ноодатий кўринишга эга. Ранги ҳам ёрқин-оловранг. Шу сабабли ҳам бу мевани нафақат истеъмол қилишади. Балки бўёқ олишда ҳам фойдаланишади.
- ▶ Австралия ва Океания абориген (туб аҳолиси) бу мевани витамин В га бойлиги учун алоҳида, севиб истеъмол қилишади.
- ▶ Дарвоқе, бошқа мевалардан фарқли ўлароқ Пандануснинг барглари таомга ажойиб таъм берувчи сифатида ҳам энг қўлланилади.
- ▶ Шунингдек, ундан пешоб ҳайдовчи ва хароратни пасайтирувчи воситалар сифатида ҳам кенг фойдаланилади.

6. ТРОПИК, ПАНДАНУС.

- ▶ Яна бир типратикансимон ўсимлик.
- ▶ Аммо Дуриан каби йирик эмас, балки кичик-кичик шаклда. Ўткир тиглар ортига юмшоқ мағз яширинган.
- ▶ Бу мағздан желе ва джем тайёрлашда фойдаланилади.

7. ЮГО-ВОСТОЧНАЯ АЗИЯ, РАМБУТАН.

- ▶ “Субтропик мевалар қиролича”, “Энг мафтункор” мева номига эга. Бу антиқа мева ҳақида ҳатто Марк Твен ҳам билган.
- ▶ Атемойи мағзининг таъми сизга ананас ва олма таъмларини эслатади. Оғизда эриб кетади. Таркиби эса сметана ва юмшоқ кремга ўхшаш.
- ▶ Унинг бу мукаммал таъмида бутун бошли витаминлар гуруҳи яширин. Масалан витамин В, калий, калций, ва темир. Шунингдек, у милк касалликлари, дизентерия ҳамда ҳароратни пасайтирувчи сифатида ҳам маълум ва машҳур.
- ▶ Аммо у қандли диабет хасталигига чалинганларга тавсия этилмайди.

8. СУБТРОПИК, АТЕМОЙЯ.

- ▶ Бу мева ҳам антиқалиги бўйича бошқалардан қолишмайди.
- ▶ Унинг кўриниши бешқиррали юлдузчаларни эслатади. Мевалари эса ширин, шу билан бирга нордон ҳам.
- ▶ Нордонлари турли салатларда кенг қўлланилса, ширин ва тотлилари таом сифатида истеъмол қилинади. Қолаверса, ширинларидан турли шарбатлар олинади.
- ▶ Қизиқарли маълумот: бу экзотик ўсимлик сизга узум, лимон ва мангонинг биргаликдаги таъмини ёдга солади.

10. ИНДОНЕЗИЯ, ЮЛДУЗЛИ МЕВА ЁКИ КАРАМБОЛЬ